



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2009 йил 17 июль, № 141 (4804)

Жума

«МУСТАҚИЛЛИК БИЗ УЧУН — ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ, ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИНГ, ИНСОН МАНФААТИ, ЭРКИНЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ, БИЗ КЎЗЛАГАН ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ГАРОВИДИР»

ЎЗБЕКИСТОН ГАЛЛАКОРЛАРИГА

Қадри дўстлар!

Сиз азиз деҳқон ва фермерларимизни, барча дала меҳнаткашларини бугунги катта меҳнат галабангиз — мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихида биринчи бор 6 миллион 610 минг тоннадан зиёд улкан галла хирмони бунёд этганингиз билан чин қалбимдан самимий табриклаймиз.

Деҳқонларимизнинг пешона тери ва машаққатли меҳнати эвазига эришилган бу улуг галабанинг моҳиятини азал-азалдан ҳар қайси хонадон ва юртинг тўқлиги, фаровонлиги тиссоли бўлиб келаётган нонни кўзига тўтиб қилиб яшайдиган халқимиз чуқур англайди ва юксак қадрайди.

Инсоннинг ризқ-рўзи бўлиши дон экинларини ўстириш, табиий офат ва иқлим инжиқликларидан асраш ва химоя қилиш, уларни парвариш этишда ҳар мавсумда учрайдиган минг битта қийинчиликни енгиб ўтиш, ҳар бир бошқоқ устида парвона бўлиб, пишиб етилган ҳосилни нобуд қилмасдан йиғиб-териб олиш, хирмонга ва истеъмолчиларга етказиб бериш — буларнинг барчаси қандай оғир меҳнат ҳисобидан бўлиши ҳеч кимга сир эмас.

Кейинги йилларда жаҳон миқёсида галлачилик соҳаси катта қийинчилик ва муаммоларга дучор бўлаётганига, шу билан бирга, дунёда истеъмолчиларнинг сони кўпайиб, дон маҳсулотларига бўлган талабнинг тобора ортиб бораётгани, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласининг кун тартибидан кескин ўрин олаётганига ҳаммаимиз гувоҳ бўлмоқдамиз.

Шу маънода, Ўзбекистонимизнинг галла мустақиллигига эришганимиз ва сўнгги йилларда юртимизда дон тайёрлаш ҳақими мунтазам ўсиб бораётгани, халқ хўжалиги ва аҳолиимизнинг эҳтиёжларини тўлиқ таъминлаш билан бирга, етиштирилган галла-мизни экспорт қилишга муваффақ бўлганимизнинг ўзи нафақат иқтисодий, керак бўлса, сиёсий-стратегик аҳамият касб этиб, кўнглимизни ифтихорга тўлдирмоқда ва эртанги кунга бўлган ишончимизга мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Барчамизга аёнки, бу йилги мўл ҳосил осонлик билан қўлга киритилгани йўқ. Аввало, ўтган йилнинг куз мавсуми галлачилик учун ноқулай келгани, баҳор фаслининг эса ниҳоятда серёғин бўлиб, қутилмаган дўл, сел ва жала оқибатида қуёш ҳароратининг етарлича бўлмаганини, қишлоқ хўжалигидаги турли хил зараркунанда ва касалликлар деҳқонларимизни яна бир бор жиддий синовдан ўтказганини эслаш ўринлидир.

Лекин ҳаёт қийинчиликларидан тобланган, иродаси бақувват, ернинг сирини чуқур биладиган, замонавий аграр технологияларни пухта ўзлаштирган деҳқон ва фермерларимизнинг тинимсиз ва фидокорона меҳнати бугунги мана шундай улкан галабага замин яратди, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Айни пайтда фермерлик ҳаракатини мустаҳкамлаш мақсадида бу борада бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган имтиёزلарни яратиб, унинг ривожини учун янада кенг-роқ йўл очиб бераётганимиз, ўтган йили фермер хўжаликлари майдонларини оптималлаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, галла навларини ҳар бир ҳудуднинг тупроқ ва иқлим шароитига, сув билан таъминлаш даражасига қараб жойлаштириш бўйича кенг қўлланма ишлар амалга оширилгани, минерал ўғитлар, сифатли уруғлик, ёқилғи-мойлаш материалларининг фермер хўжалиқларига ўз вақтида етказиб берилгани, мавжуд комбайнларга қўшимча равишда бу йилги мавсум учун 140 та янги комбайн сотиб олин-

гани ҳам деҳқонларимизга катта куч ва мадад бўлганини қайд этиш жоиз.

Эришилган бу ютуқнинг миқёси ва салмоғи ҳақида гапирганда, мамлакатимиз бўйича сугориладиган ерларда ҳосилдорлик ўтган йилга нисбатан ўртача 2 центнерга ортиб, гектарига 50 центнерни ташкил этганини алоҳида таъкидлаш лозим. Андижон, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Тошкент, Фарғона вилоятларида эса бу кўрсаткич 53-62 центнердан ошгани, айниқса, таҳсинга лойиқдир.

Шулар қаторида Пахтаобод, Марҳамат, Кўргонтепа, Балиқчи, Учқўрғон, Норин, Қарши, Косон, Иштихон, Тошлоқ, Ангор, Музработ, Бухоро, Пешку, Гурлан, Хўжайли каби туманларда ҳосилдорлик 56-66 центнерга етганини барчамиз деҳқонларимизнинг пировард натижаларга эришиш йўлида сафарбарлиқни ошириб, қандай ютуқларни қўлга киритишга қодир эканининг яққол намоёни сифатида қабул қиламиз.

Энг муҳими, бу йилги етиштирилган мўл ҳосилнинг 3 миллион 800 минг тоннадан зиёди, яъни ярмидан кўпроғи бевосита фермер хўжалиқлари ва аҳоли ихтиёрида қолдирилгани, айрим туманларда бу рақам 60-70 фоизни ташкил этаётгани, деҳқонларнинг оморлари донга, қўт-баракага ўлиб бораётгани уларнинг ўз меҳнатидан катта манфаат топаётганининг амалий ифодаси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Буларнинг барчаси, ўз навбатида, қишлоқ аҳлининг ҳаёт даражасини юксалтиришга, қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилнинг бош мақсад-муддасини, яъни қишлоқ тараққиёти топса, юртимиз оқиб, ҳаётимиз янада фаровон бўлади, деган эзгу гоёни амалга оширишга хизмат қилади, иншоолло.

Шу борада фермерларимизнинг ён-атрофда, мамлакатимизда юз бераётган жараёнларга фол муносабати, дахлдорлик ва масъулият туйғуси тобора кучайиб, фермерлик ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда том маънода ҳал қилувчи кучга айланиб бораётгани, айниқса, эътиборлидир.

Бу йилги галла мавсумини яқунлар эканмиз, барчамиз келгуси йил ҳосилига замин яратиш ҳақида ўйлашимиз, бунинг учун деҳқончилик маданиятини юксалтириш, серҳосил навларни кўпайтириш, доннинг сифати ва истеъмол хусусиятларини янада ошириш, бу борада илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланиш бўйича бошлаган ишларимизни изчил давом эттиришимиз зарурлигини, албатта, ўзимизга яхши тасаввур қиламиз.

Ишончим комилки, республикамиз қишлоқ хўжалиги ходимлари пахта ва бошқа экинлардан ҳам мўл ҳосил етиштириб, бу йилги мавсумни барча соҳалар бўйича ёруғ юз билан яқунлайдилар.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу қувончли кунда фермер ва деҳқонларимизни, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, механизатор ва комбайнчиларни, бу улкан галабага муносиб ҳисса қўшган барча инсонларни яна бир бор қизғин табриқлаб, ўзимнинг самимий тилакларимни изҳор этаман. Ўз меҳнати билан юртимизни ҳар томонлама оқиб ва фаровон қилаётган заҳматкаш ва фидойи юртошларимизга бутун халқимиз номидан таъзим қиламан.

Доймо соғ-саломат бўлинг, меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, хонадонларингиздан тинчлик-хотиржамлик, файзу барака ари-масин, қадрдонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.



ФИДОКОРОНА МЕҲНАТНИНГ УЛКАН ГАЛАБАСИ

Мамлакатимиз галлакорлари мустақиллигимизнинг 18 йиллик тўйини муносиб меҳнат зафарлари билан қарши олмақдалар. Улар бугунга қадар 6 миллион 610 минг тоннадан ортиқ сифатли дон ўриб-янчиб олиб, йиллик шартнома мажбуриятларини ошириб бажардилар.



Еч шубҳасиз, эришилган муваффақиятлар замирида Президентимиз Ислом Каримов раҳна-молиғида олиб борилаётган оқилонга ислохотлар, хусусан, қишлоқ хўжалигидаги туб бурилишлар, ерларнинг ҳақиқий эгаларига берилиб, фермерлик ҳаракати ривожлантирилаётгани, бир сўз билан айтганда, деҳқонларнинг меҳнатлари қадрланаётгани муҳимаси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Биласиз, ерга сепилган дон ўзидан буй чўзиб, бошоқламайди. У деҳқон меҳри билан кўкаради, фарзандидек суйиб, эркалаб қилган парвариши, кечани кеча, кундун кундуз демай қилган фидокорона меҳнати туфайли ҳосил беради. Айниқса, бу йилги об-ҳаво шароитида галла етиштириш осон кечмади. Айни экин-тикин мавсумида қузнинг ноқулай келиши, баҳорда ёғингарчиликнинг нисбатан кўп бўлиши, сел ва

дўл каби офатлар, зараркунанда ва касалликларнинг кўпайиши галлакорларимизнинг иродасини яна бир бор синовдан ўтказди. Тажрибали деҳқонларимиз табиат инжиқликларини омилкорлик, ишбилармонлик ва муносиб меҳнат билан мардонавор енгиб ўтдилар. Улар бу жараёнда давлатимизнинг тармоққа бўлган алоҳида эътибори ҳамда ҳуку-матимизнинг гамхўрлигини ҳар қадамда ҳис этиб турдилар. Уруғлик-

дан тортиб, ёқилғи-мойлаш матери-алларига дала бошига олиб бориб берилгани шундан далолат беради.

Жорий йилда мамлакатимиз бўйича галла ҳосилдорлиги гектар ҳисобига ўртача 50 центнерни ташкил этди. Бу кўрсаткич Андижон, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Тошкент ва Фарғона вилоятларида 53-62 центнерга етди.

(Давоми 2-бетда).

Вэй ЧЖАНГ: «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО НУФУЗИ ТОБОРА ОШИБ БОРМОҚДА»



— Жаноб Вэй Чжанг, аввало, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳоли ва иқтисодий ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Ўзбекистон Хитойнинг Марказий Осиёдаги энг муҳим ҳамкорларидан. Хитой Ўзбекистон билан ҳамкорлиқни юксак қадрайди. Дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан буён ўтган 17 йил мобайнида мамлакатларимиз ўртасидаги

Мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги арафасида ЎзА мухбири Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Муваққат ишлар вакили Вэй ЧЖАНГ билан суҳбатладим.

сиёсий мулоқотлар фақат фаоллашиб бормоқда. Шунингдек, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳадаги алоқалар, энергетика, транспорт, хавфсизлик йўналишидаги ҳамкор-

лик изчил ривожланмоқда. Икки давлат раҳбарларининг ўзаро ҳамкорлиқни ривожлантириш масалаларига, минтақавий ва халқаро муаммоларга қарашли ўқаш ва яқиндир. БМТ, ШҲТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасидаги фаол ҳамкорлик орқали мамлакатларимиз ўз миллий манфаатларини рўйбга чиқармоқда, минтақа ҳамда дунёда тинчлик ва барқарорлиқни таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда.

Ўзаро манфаатдорлик, ҳурмат ва ишонч таъминлаш асосига қурилган Ўзбекистон — Хитой муносабатлари ҳар томонлама кенг тараққий этмоқда. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувлари мунтазамлик тусини олгани ва музокараларда янги-янги қилишувларга эришилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао 2008 йили Пекин Олимпиада ўйинларининг очилиш маросими доирасида ҳамда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг жорий йил июни ойида бўлиб ўтган Ека-теринбург саммити доирасида учрашдилар.

(Давоми 2-бетда).

Берлин шаҳар парламентида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Таълим соҳасини ривожлантириш» лойиҳаси ижросининг яқунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

КЕЛАЖАК АВЛОД ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Лойиҳа доирасида республикамизнинг умумтаълим мактаб ва муассасалари ҳамда педагогика олий ўқув юртиларидан жами 260 нафар муаллим ва мутахассислар Германиянинг етакчи илм марказлари ва таълим муассасаларида икки ҳафталик малака

таассуротлари билан ўртоқлашди. — Ўзбекистон ўзининг қўна тарихи ва бой маданияти, айниқса, Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент каби қадимий шаҳарлари билан ҳақли равишда фахрланади арзийди. Шунинг ҳам мамнуният билан таъкидлаш

ошириш курсларида иштирок этди. Тадбирда Берлин шаҳар депутатлар Палатаси президиумининг аъзолари ва депутатлар, Мюггелзее таълим маркази раҳбар ва ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги вакиллари қатнашди.

Таассуротлари билан ўртоқлашди. — Ўзбекистон ўзининг қўна тарихи ва бой маданияти, айниқса, Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент каби қадимий шаҳарлари билан ҳақли равишда фахрланади арзийди. Шунинг ҳам мамнуният билан таъкидлаш

Тадбирда сўзга чиққан Берлин шаҳар депутатлар Палатаси президенти Вальтер Момпер Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакатда таълим тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларини юқори баҳолади. У, шунингдек, Берлин шаҳар парламенти депутатларидан иборат гуруҳ таркибида Ўзбекистонга қилган сафаридан олган

лозимки, Тошкент билан Берлин биродарлашган шаҳарлар бўлиб, икки томонлама муносабатларни жадал ривожлантириб келмоқда. Тошкент шаҳри ҳокимлиги делегациясининг Берлинга ташрифи бунинг яққол тасдиғидир, — деди В. Момпер. Ўз навбатида, Мюггелзее таълим маркази директори, профессор Ханс Йоахим Кнаупе Ўзбекистонда ёшларни ҳар томонлама етув инсон қилиб тарбиялаш, уларга жаҳон андозалари даражасида билим бериш ва юқори малака кадрлар тайёрлаш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишлари эканини қайд этди.

(Давоми 2-бетда).

Ҳамюртимиз, ўн еттинчи жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов Испаниянинг Сан-Себастьян шаҳрида давом этаётган халқаро шахмат фестивалида Ўзбекистон шафратини муносиб химоя қилмоқда.

ҚОСИМЖОНОВ КАРПОВНИ ЕНГДИ

Ушбу нуфузли мусоба-када ўн нафар кучли гроссмейстер голиблик учун ўзаро куч синашмоқда. Саққизинчи турдаги энг қизиқарли учрашувлардан бири собиқ жаҳон чемпиони — Рустам Қосимжонов ва Анатолий Карпов ўртасида кечди. Шу кун ҳамюртимиз қора доналарда ўйнаганига қарамай, тажрибали рақибини мағлубиятга учратди.

россиялик рақибини мағлубиятга учратди.

(Давоми 2-бетда).

ИШБИЛАРМОНЛАР БИЗНЕС-ФОРУМИ

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Корея Республикаси Кичик ва ўрта бизнес федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир ўзаро савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларига бағишланди. Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, ёқилғи-энергетика, банк-молия, қурилиш, машинасозлик, авиаташув, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, кимё, ёнгил санаят, тўқимачилик, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, геология ва минерал ресурслар, транспорт

ва транспорт коммуникациялари, ахборот технологиялари, электротехника, логистика, сайёҳлик, мебелсозлик, кўнчи-

лик ва матбаачилик соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари Ш.Тўлағонов, Корея Республикаси Кичик ва ўрта бизнес федерацияси раиси

Ким Ги Мун мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувлари эришилган қилишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

Форумда кореялик ишбилармонлар юртимизда давом этаётган кенг қўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар, «Навий» эркин индустриал-иқтисодий зонасидаги қулайлик ва имтиёزلар билан атрофича таништирилди.

Анжуман

(Давоми 2-бетда).



O'ZSANOATQURILISHBANK

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ мамлакатимиз Президентини раҳнамолигида юртимизда банк-молия тизимини жаҳон андозалари талаблари даражасида такомиллаштириб боришга жиддий эътибор берилётгани ўз самарасини кўрсатмоқда. Буни республикамиздаги йирик молиявий муассаса — "Ўзсаноатқурилишбанк" фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Президентимизнинг "Банк тизимини янада ривожлантириш ва бундан пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва йирик Давлат дастурлари талабларини ижро эта бориб, бу банк ўтган даврда ўзининг тарихий-ташкилий тузилмасини такомиллаштириди, иқтисодий нуфузи ва салоҳиятини янада мустаҳкамлади. Бугунги кунда "Ўзсаноатқурилишбанк" мамлакатимиз иқтисодий дахлдор йирик инвестициявий лойиҳаларини молиялаштириш, sanoat, қурилиш, транспорт, алоқа ва таъминот корхоналарига комплекс равишда молия-банк хизмат турларини кўрсатиш, қатор тармоқларни модернизация қилишдан тортиб, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга ҳам бўлган барча соҳаларда ўз хиссасини қўшиб келмоқда. Барқарор ва самарали фаолият туфайли ўтган йили маъруз банк жаҳонга машҳур "Fitch Ratings" халқаро рейтинг агентлигининг истикболли ва ишончли кўрсаткичи кредит рейтингини олишга муваффақ бўлган эди. Буни қарангки, дунёнинг энг нуфузли халқаро рейтинг компанияси "Ўзсаноатқурилишбанк" фаолиятининг 2008 йил ва жорий йил биринчи чораги якунларини баҳолаб экан, уни ўтган йилда берилган рейтингдан-да юқори баҳога лойиқ дея эътироф этди. Боиси, банк узоқ муддатли кредитга лаёқатлилиги даражаси яна юқори — "В" даражаси, рағбат рейтингини бўйича ҳам юқори баҳога — "4"га кўтарилди. Бу эъти-


роф банк фаолиятининг барқарор натижалари, даромад кўрсаткичларининг собитлиги, мижозларнинг тизимнинг банк тизимига бўлган алоҳида эътибори, уни янада ривожлантириш бўйича билдирган ғоя ва та-

шаббуслари натижасида банк-молия тизими барқарор фаолият кўрсатиб, халқаро миқёсдаги эътирофларга сазовор бўлаётир. Шу маънода айтиш мумкинки, ушбу нуфузли рейтинг даражаси нафақат Ўзбекистон тижорат банкларининг, балки жадал ривожланаётган мамлакат иқтисодиётининг ҳам ўзига хос баҳоси бўлди. Ҳа, давлатимиз раҳбарининг "Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни барқарор эътиборининг йўллари ва

чоралари" номли китобида таъкидланганидек, Ўзбекистонда қабул қилинган ислохотлар ва модернизациянинг ўзига хос модели ўтган давр мобайнида амалда ўзини тўлиқ оқлади. Бугун барча соҳаларда бўлгани каби мамлакатимизда банк тизимининг янада ривож топиб, жаҳон молия муассасалари ўртасида юқори салоҳиятга эга бўлаётгани ҳам биз танлаган йўл энг тўри йўл эканлигининг далилидир.

Истиклол ва истикбол

шига омил бўлади. Халқаро экспертларнинг фикрига кўра, "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг кредит кўрсаткичлари унинг ликвидлик маъноси ошиши, шунингдек, фаолият миқёси ва мижозлар сони кенгайиши ҳисобига бошқа молия муассасаларига нисбатан устунликка эга бўлмоқда. "Ўзсаноатқурилишбанк" кўпгина соҳалар бўйича



Тезкорлик, аниқлик ва самарадорлик ташаббускор жамоанинг, ҳар бир ходимнинг қатъий иш услубига айланган. Улар миллионлаб мижозлар билан ишлашда ўзаро фойдали ҳамкорлик тамойилига таянади. Шу ўринда "Ўзсаноатқурилишбанк" барча йўналишларда юқори кўрсаткичларга эришиб, халқаро миқёсда эътироф этилаётган экан, истикболдаги фаолиятида нималарга эътибор қаратади, деган савол туғилиши табиий. Аввало шуни айтиш керакки, "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг диққат марказида молиявий барқарорликни таъминлаш, капиталлашув даражасини янада ошириш, иқтисодиётнинг реал секторини рағбатлантириш, инвестицион фаолиятни жадаллаштириш ва ўз мижозларини қўллаб-қувватлаш вазифаси турибди. Бу эса мамлакатимизда кўплаб sanoat корхоналари барқарорлашиб, халқимиз турмуш даражаси ва фаровонлиги янада ошади, деганидир.

Бир сўз билан айтганда, "Ўзсаноатқурилишбанк" бунёдкор халқимизнинг ёрқин истикболи йўлида олиб борилаётган эзгу ва кенг қамровли ислохотларга қарамбаста бўлаверади. Қолаверса, аҳолининг банк хизматида миннатдорлиги, унинг фаолиятига берилётган ҳолис ва муносиб баҳолаб банк жамоасини янада шижоат билан ишлашга, мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун, деган широрта содиқ қолган ҳолда фаолият юритишга чорлайверади.

Ф. САНАЕВ тайёрлади.

ИШОНЧЛИ ВА БАРҚАРОР

Жаҳонга машҳур "Fitch Ratings" халқаро рейтинг компанияси ўтказган молиявий таҳлил натижасига кўра, "Ўзсаноатқурилишбанк" яна бир бор ана шундай эътирофга сазовор бўлди.

қўлиги, шунингдек, нефть ва газ, энергетика, кимё sanoatida фаолият юритувчи муассасаларга хизмат кўрсатишда муҳим ўрин тутганини яна бир далили бўлди, дейиш мумкин. Очиги, ушбу халқаро рейтинг компанияси томонидан билдирилган бундай юқори баҳо нафақат минтақамиз, балки жаҳон молия муассасалари учун ҳам энг юқори кўрсаткич ҳисобланади. Бинобарин, ҳозирги мураккаб шароитда халқаро миқёсда бу каби юқори ва ҳолис баҳо олишнинг ўзи бўлмайди. Чунки жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ривожланган ва ривожланаётган кўплаб мамлакатлар иқтисодиётини танг аҳволга солиб қўймоқда. Ишлаб чиқаришнинг пасайиши, ишсизликнинг ўсиши тўхтамапти. Инқироз, айниқса, йирик банк молия муассасалари фаолиятига таъсир ўтказмоқда. Миллионлаб кишилар иш жойидан, даромад манбаидан айрилди. Мамлакатимизда эса Президент-

Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг етакчи ва пешқадам банкларидан бири — мамлакатимиздаги мавжуд тижорат банклари орасида нуфузли ўринни эгаллади. Банкининг филиаллар тармоғи Ўзбекистонда энг юқори кўрсаткичлардан бирига тенг бўлиб, ҳозирда 43 та филиал, 100 га яқин минибанк, қарийб 200 га яқин жамғарма қассалари ва бошқа қўллаб-қувватлаш шохобчалари ўз ичига олган. Маъруз банкининг молиявий барқарорлиги иқтисодий ҳаётимиздаги устувор вазифаларни амалга оширишда муҳим омил бўлмоқда. Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, унинг ўз капиталли 177 миллиард сўмга етди. Умумий активлар ҳажми 1,6 триллион сўмдан ошди.



қаро миқёсдаги эътирофларга сазовор бўлаётир. Шу маънода айтиш мумкинки, ушбу нуфузли рейтинг даражаси нафақат Ўзбекистон тижорат банкларининг, балки жадал ривожланаётган мамлакат иқтисодиётининг ҳам ўзига хос баҳоси бўлди. Ҳа, давлатимиз раҳбарининг "Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни барқарор эътиборининг йўллари ва

«РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охирига етиш тартибида аукциондаги оқибатли аукцион савдосига таклиф этади! Аукцион савдосига тақдирланган Тошкент шаҳар Ҳамза тумани суд ижрочилиги бўлими томонидан, Тошкент шаҳар ҳужалик судининг 2009 йил 19 мартдаги 0904/1503-сонли ижро варажасига асосан қўйилган «Спартак-Ш» Қўра тегишли, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Бакинская кўчасида жойлашган, умумий майдони 589,81 кв.м. бўлган 2 қаватли маъмурий бино — «А» блоқи ва умумий майдони 198,45 кв.м. бўлган омборхона биноси — «Ж» блоқи қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 250 000 000 сўм. Аукцион савдосига 2009 йил 4 август кунин соат 11.00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган мулк билан тегишли суд ижрочилиги бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагиди талабдорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагиди талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБнинг ОАЙБ «Ипак йўли» банки «Сарбон» филиалидаги кўнидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850. Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Уроғбоев кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: 228-79-52. www.fmb.uz — Лицензия: БВ-001 № 000004.

«Росагропромснаб» МЧЖ ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ • УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ҲИЖОЗЛАРИ • 5 м³/соатдан 500 м³/соатгача БЎЛГАН ГАЗТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ • ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗМЕЪЁРЛАГИЧЛАР • ПЭК фильтрлари, ИЗО муфтлари Маҳсулот сертификатланган. Т./ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90. Манзил: Тошкент ш., Чиланзор мавзеси, Ц-дахаси, 6-уй. Мўлжал — «Шурат» дўкони жойлашган чорраха.

«Fitch Ratings»

нуфузли халқаро рейтинг компанияси



«АГРОБАНК» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

2009 йилда ҳам барқарор фаолият кўрсатаётганлигини тасдиқлаб, уни «Барқарор» тоифасидаги тўлиқ рейтингга муносиб деб топди.

- Узоқ муддатли рейтинг дефолти: «В-» дан «В»га юксалди; прогнози барқарор
• Қисқа муддатли рейтинг дефолти: «В» даражасида тасдиқланди.
• Қўллаб-қувватлаш рейтингини: «5» дан «4»га юксалди.
• Қўллаб-қувватлаш рейтингининг минимал даражаси: «В-» дан «В»га юксалди.

Бизнесингиз ривожини сари барқарор ҳамкорни танланг!

«АГРОБАНК» — ЮРТ ОБОДЛИГИ ВА ЯРАТУВЧАНЛИК ҲАМКОРЛИГИНИ МОЛИЯВИЙ ТАЯНЧИ!

Хизматлар лицензияланган.

«SANY» КОМПАНИЯСИ — ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРИДА



Ҳозир бирварақайига бир неча қурилиш лойиҳасининг асрамининг энг улкан ишчилари сирасига кириш имконияти мавжуд. Бунга асосланган билан Хитойнинг «Empire State Building», Таиланддаги «Korolyak Group», Москвадаги «Федерация» савдо-саноат маркази давлатлик қилмоқда. БААДАси суний оралиқ. Гўнчжэоудэси жаҳоннинг энг баланд телевидио минараси қурилиш лойиҳалари, айниқса, чинкамага хайратланарайди. Рақобатчилар, сарчи жаҳоннинг турли бурчакларида жойлашган бўлса-да, улар қўлига умумийликка эга. Зеро, барчаси Хитойнинг «SANY» машинасозлик компанияси асбоб-ускуналаридан фойдаланган ҳолда бўлиб эълан қилмоқда.

1989 йилда ташкил этилган «SANY» компанияси дунёдаги энг йирик қурилиш техникаси ишлаб чиқарувчилардан бири ҳисобланади. Машҳур «Форбс» журналининг ёзишича, у кўп йиллардан буюн нанки Хитой қурилиш индустрияси корхоналари ўртасида қарновоборлик қилиб келмоқда. Балки Осиёнинг етакчи беш юзта компаниясини рўйхатига кирди. Ўтган йили унинг асбоб-ускуналар согувида олган тушуми 2,4 миллиард долларга етди.

«SANY»нинг ноидри, ўта қудратли техникаси бир неча маротаба жаҳон рекордларини намойиш этган. Мисол учун, 2007 йилда Шанхайдаги халқаро молия марказининг қурилиш майдонини саноат компания қурилмаси бетон қорининини қўлига қўзатишдан 492 метр баландликка узатиб берди. Ўтган йили эса «SANY»нинг ливиниендан стреласининг узунлиги 72 метр бўлган автобетононасос муваффақиятли чиқарилди. Натияжада бу ноқеа «Гиннесс»нинг рекордлар китобидан ўрин олди. Компания 334 дан ортиқ патент ва янги технологияларнинг эълан тури бўйича юрлик ҳуқуққа эга бўлиб, Хитойнинг машҳур товар белгилари илмий-техника тарихини миллий муқофотига сазовор бўлган. Эътиборни жамғиришда, бундай ютуқларга қарамай, «SANY» компанияси доимо олдига интилоқда. У ҳар йили катта миқдордаги маблагини янги техника етчиларини ишлаб чиқишга, юқори унуматли механизмларни яратишга йўналтирмоқда. Технологияларини ўзлаштириш ва ривожлантириш марказлари билан ҳамкорлик қилмоқда, шунингдек, техник мутахассислар таърибаси ва билдирим оқилона фойдаланмоқда.

Компаниянинг илмий салоҳиятини янада ривожлантириш мақсадида 2006 йилнинг мартда «SANY» электромеханик технологиялар мактаби ташкил этилган. Яқин истикболга мўлжалланган режаларида эса ушбу йўналишда университет очиб қўзда тутилган бўлиб, бу ерда юқори малакали муҳандис, маркетинг ва бошқарув кадрлари тайёрланади. «SANY» бренди аниқ қунарда жаҳон бўйлаб ўн бешта филиал ва етмишта дистрибуторни бираштираган. Компаниянинг маркетинг шохобчаси эса 130 дан ортиқ давлатни қамраб олган бўлиб, унинг мақсулотлари саксондан зиёд мамлакатта экспорт қилинади. Сингапур, Хитойнинг, Испания, Жапон, Бразилия, АКШ, Австралия ва бошқа мамлакатлар шулар жумласидандир.

Яқинда «SANY» халқаро маркетинг шохобчаси харитасида Ўзбекистон ҳам пайдо бўлди. «Shosh invest Group» масъулияти чекланган жамияти компаниянинг республикамиз ҳудуддаги расмий дистрибутори бўлиб, у Хитой техникасини мамлакатимиз бозорига етказиб беришда кўмаклашади. «Shosh invest Group» жамияти бу йил беш ёшнинг нишонини, қисқа вақт ичида Ўзбекистон бозорига ўзининг ижобий томонларини намойиш қилди. Унинг 12 та бўлиминиси бўлиб, бари Ўзбекистон иқтисодий ҳаётининг турли соҳаларида фаол қатнашмоқда.

Компания ўз фаолиятини амалга оширишда мамлакатимиз бозорини замонавий юқори унуматли техника ва асбоб-ускуналар билан тўлдирини; янги, ноанъанавий технологиялардан фойдаланган ҳолда, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш; керамик гинт пилирининг янги технологияси; бу технологияда ёқилган хом ашёнинг сифатида тошқўмир ишлашни; қурилишнинг янги усулларини қўллаш (металлдаркаса, модули қурилиш); экспорт операцияларини кенгайтиришдек асосий йўналишларга устуворлик бермоқда.

«Shosh invest Group» маъусе техника ва технология асбоб-ускуналарини Ўзбекистон Республикаси бозорига етказиб беришда катта таърибага эга. Булар Жанубий Корея, Россия ва Хитой заводларида ишлаб чиқарилган мақсулотлардир. Компания хоржий ишлаб чиқарувчиларнинг мақсулотларини етказиб бериш билан чекланиб қолмай, аниқ пайтада етказиб беришчи мақсулотларнинг маҳаллий бозорда савдосини юритиш бўйича савий ҳаракатлар олиб бормоқда. ОАВВ доимий равишда рекламалар эълон қилиш, қўриқчаларда ҳар йили қатнашиш, тақдиротлар ташкил этиш, ҳар бир буюртмага индивидуал ёндашиш, рақобат нархлар, хоржий ишлаб чиқарувчилар билан узоқ муддатли ҳамкорлик муносабатлари. Ўзбекистон бозоридида истеъмолчилар билан ақин алоқалар — буларнинг ҳаммаси йилдан-йилга компания томонидан кўрсатилаётган хизматлар ҳаммининг кенгайишига, мижозларнинг буюртмаларини сифати ва профессионал бажаришга имкон бермоқда.



Қурилиш индустрияси — мамлакатимизнинг етакчи тармоқларидан бири. Бундан республика бўйлаб янги sanoat иншоотлари, уй-жойлар, ўқув ва тиббий муассасалари, шунингдек, ижтимоий-маънавий аҳамиятга молик бошқа объектлар қурилоқда, мавжудлари эса реконструкция қилинмоқда. Тармоқ ривожининг ижобий динамикаси сақланишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маъжасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божини ва қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган дистрибутор асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги, «Тижорат банкларининг кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришдаги иштирокини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу қонунчилик ҳужжатлари маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга корхоналарини модернизациялаш, мавжуд машина ва механизмлар паркни янгилашга ёрдам бермоқда. Хусусан, буюртмачи ливинг операциялари спектрини кенгайтириш учун жами пул маблагини янги асосий воситалар харид этишга сарфлаб қўришган ҳолда, ундан фойдаланишга киришиш, 3-5 йил мобайнида ливингга олган объектлар бўйича ҳисоб-китобларини амалга ошириш имкониятига эга бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, янги, сифатли, замонавий мақсулотларга эҳтиёжини ушунга олиб келатири. Шунинг ўзисек мазкур йўналишнинг истикболли эканлигини далилат беришди, дедик, «SANY» компаниясининг мақсулотлари ва унинг расмий дистрибутори «Shosh invest Group»нинг хизматлари талаб ҳам тобора кўпаяверади.



